

Ўзбекистон Республикаси Қашқадарё вилояти
МАЪСУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТ ШАКЛИДАГИ
«ZAMIN OIL-AUDIT» АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТИ

Юридик манзили: 180100 Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри, Шибаев кучаси, 1-уй 15-хонадон, тел. (+998) 91- 640-45- 64, 93-422-41-58.
Аудиторлик фаолияти буйича Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 05.04.2019 йилдаги № 00774 рақамли лицензияга эга. Х/р
20208000904162711001 ЎзСҚБ Қашқадарё минтақавий филиали МФО 00854 ОКЭД 69202

Ижобий фикр билдирилган
АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

«Dehqonobod kaliy zavodi» АЖ
рахбариятига

Манзили: «Dehqonobod kaliy zavodi» акциядорлик жамияти Қашқадарё вилояти, Деҳқонобод тумани Бешбулоқ шаҳарчаси х/р: 20210000904620443001 АТБ Узсаноатқурилишбанк Қарши филиали МФО 00854 СТИР 206887857 ОКЭД 20151

Мен, МЧЖ «ZAMIN OIL-AUDIT» аудиторлик ташкилоти (Қашқадарё вилояти Қарши шаҳри Шибаев кучаси 1-уй 15-хонадонда жойлашган, СТИР 203869896, ОКЭД коди 69202, ҳисоб рақами 20208000904162711001 «Ўзсаноатқурилишбанк» Қашқадарё минтақавий филиали Қарши шаҳри МФО 00854 email: Zaminoil-audit@mail.ru) аудитори Тошматов Ш.А (аудитор малака сертификатига № 05247 берилган санаси 25.10.2019й.) хўжалик юритувчи субъект «**Dehqonobod kaliy zavodi» акциядорлик жамиятининг** «Бухгалтерия баланси» 1-шакл, «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот» 2-шакл, « Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот» 4-шакл, «Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот» 5-шаклдан иборат 2020 йил 31-декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисоботларнинг ишончлилигини **мажбурий** аудиторлик текширувидан ўтказдим.

Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги, ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз «**Dehqonobod kaliy zavodi» акциядорлик жамиятининг** текширувга тақдим қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.

Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далиллари олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамизнинг предмети ҳисобланади.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончлилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

Ижобий фикр

Бизнинг фикримизча хўжалик юритувчи субъект «**Dehqonobod kaliy zavodi» акциядорлик жамиятининг** 2020 йил 31-декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келади.

МЧЖ «ZAMIN OIL-AUDIT» аудиторлик ташкилоти директори:

Аудитор:

Хулоса санаси: 24.04.2021 йил



А. У. Хўжақулов
Ш. А. Тошматов